

Исломда инсон ҳаёти ва соғлиги ўта қадрли | Ҳадис дарслари (258-дарс)



19:00 / 29.11.2023 2554

يَضْرِصْأَعْلَانْبُ وَرْمَعْنَعْ
يَفُتْمَلَتْحَا هَلَاقُونْهُلَلَا
تَأْذِيَّوْرَغْ يَفِيَّدِرَابِيَّلِيَّل
نَأْتْقَفْشَأَفِيَّلِسَالِسَلَا
تْمَمَيَّتَفِيَّلِكَلِهَأَفِيَّلِسَتْعَأْ
يَبِأْحَصَأَبُتْيَّلِصَمُّث
كَلِذِ اُرَكَدَفِيَّلِحَبْصَلَا

هِيَلَعْهُلَلا يَلَصِّي بَنَلَل
وَرْمَعَأَيْهَلَاقَفَمَلَسَو
تْنَأْوَكِبَأَخْصَأَبَتْيَلَص
يَذِلَابُهُتْرَبَخَأَفْيَبُنْج
لَاسِتْغَلَانَمِيَنَعَنَم
هَلَلا تْعَمَسِيَنِإِتْلُقَو

بِكُمْ كَانَ اللَّهُ إِنَّ أَنفُسَكُمْ نَقْتُلُوا وَلَا لُوقَي

هَلَلا لُوسَرَكَحَضَفٍ - رَجِيمًا
مَلَوَمَلَسَو هِيَلَعْهُلَلا يَلَص
دُوَادُوَبَأَهَأَورْهَأَيِشْلُقَي
يَرَأْخُبَلَأَو

Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Зотус Салосил ғазотида совуқ кечада эҳтилом бўлиб қолдим. Ғул қилсам, ҳалок бўламан, деб қўрқиб, таяммум қилдим. Сўнгра шерикларимга Бомдод намозини ўқиб бердим. Улар буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдилар. У зот:

«Эй Амр, жунуб бўлиб туриб, шерикларингга намозга ўтдингми?» дедилар. Мен ўзимни ғул қилишдан ман қилган нарсанинг хабарини у кишига бердим ва:

«Аллоҳнинг: «Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга ўта меҳрибондир», деганини эшигданман», дедим.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва бирор нарса демадилар».

Абу Довуд ва Бухорий ривоят қилганлар.

Аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу зотни Зотус Салосилга, сўнгра Уммонга бошлиқ қилдилар. Кейинчалик Шом, Миср ва Фаластинда бир неча йил амир бўлиб турдилар.

Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу вафот этишларидан олдин кўп йиғладилар. Ўғиллари:

«Нега йиғлаяпсиз, ўлимдан қўрқяпсизми?» деб сўраганларида, у зот:

«Ўлимдан кейин нима бўлишимдан қўрқяпман», дедилар. Шунда ўғиллари:

«Қўрқманг, отажон, ҳаётингиз яхшилик билан ўтди. Исломга кирдингиз, доим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида бўлдингиз. Шом ва Мисрни фатҳ этдингиз», дедилар.

Шунда Амр ибн Осс айтдилар:

«Менинг ҳаётим уч қисмга бўлинади. Олдинига кофир эдим, агар шундай ҳолатда ўлганимда, одамлар «Худога шукр, бундан қутулдик», дейишар эди. Сўнгра Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлдим. Агар шундай ҳолатда ўлганимда, жаннатга тушишим аниқ бўлар эди. Булардан кейин амир бўлиб, бойликлар ва ҳашаматли уй-жойларга эга бўлдим. Улар менинг фойдамга бўлдими ёки зараримгами, шу тўғрида билмасдан армондаман».

Амр ибн Осс розияллоху анҳу ҳижратнинг 43-санасида Фитр ийди куни Мисрда вафот этдилар. Жанозаларини ўғиллари Абдуллоҳ ўқидилар ва ана шу ердаги Миқто қабристонига дафн этилдилар.

Зотус Салолил ғазоти Мадинаи Мунавварадан ўн кунлик йўл масофасида бўлган бир жойнинг номи билан аталиб қолган. Бу ғазот 8-ҳижрий сананинг Жумъадул аввал ойида бўлиб ўтган.

Ҳадис қаҳрамони Амр ибн Осс розияллоху анҳунинг ўзлари айтишларича, ўша пайтда қаттиқ совуқ экан. Ғусл қилса, ҳалок бўлишдан қўрқиб, таяммум қилган ҳолда шерикларига Бомдод намозига имом бўлибдилар. Воқеадан хабардор бўлган шериклар энди намозимиз нима бўлади, деб ўйлаб, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга арз қилибдилар. У киши иқор қилиш учун Амр ибн Осс розияллоху анҳудан ишнинг ҳақиқатини сўрабдилар. У киши бўлган иш ҳақида хабар бериб, ўз фикрларини айтганларидан сўнг кулиб, индамабдилар.

Бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг тақрирлари бўлади. Яъни, бошқа бир кишининг қилган иши шариатга тўғри келишини иқор этишлари бўлади.

Бу ҳадисни келтиришдан мақсад, сув бўлса ҳам, ўзига зарар етишидан қўрққан одам совуқ ва шунга ўхшаш монеъликлар туфайли таяммум қилиши мумкинлигини айтишдир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Совуқ туфайли ҳалок бўлишидан қўрққан одамнинг таяммум қилиши жоиз.

Шунингдек, душмандан ёки ваҳший ҳайвондан қўрқиб, сув ололмаса ҳам таяммум жоиз.

Сув ўта совуқ бўлганлиги учун ундан зарар кўришдан қўрққан одам ҳам таяммум қилиши жоиз.

2. Таяммумли кишининг таҳоратли кишиларга имом бўлиши мумкин эканлиги. Баъзи уламолар «Бу Амр ибн Осс розияллоху анҳуга хос, у киши бошлиқ бўлганлар», дейишади.

3. Шаръий ишларда иштибоҳ тушиб қолганда олим ва раҳбар кишидан сўраш ва иштибоҳ сабабчиси устидан шикоят қилиш дурустлиги.

4. Биронинг устидан шикоят тушганда дарҳол ҳукм чиқармай, унинг ўзидан ҳақиқатни сўраб, билиш зарурлиги.
5. Исломнинг осонлик дини эканлиги.
6. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бор бўлган вақтларида ҳам ижтиҳод қилиш мумкин бўлганлиги.
7. Қилган ишига Қуръон оятидан далил келтириш яхшилиги.
8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даргоҳлари кенглиги.
9. Баъзи қизиқ нарсалардан кулиш мумкинлиги.
10. Исломда инсон ҳаёти ва соғлиги ўта қадрли эканлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.